

ҒАРБ ВА РУС ТИЛШУНОСЛИГИ ТАРИХИДА ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШ ДАВРЛАРИ

Садоқат Самандарова
ЎзРФА докторанти

Эвфемизмларни ўрганиш тарихидаги янги босқич XIX аснинг охиридан бошланди. Яъни айнан ўша вақтда немис тадқиқотчиси Г.Паул “семантик ўзгаришлар схемаси”даги эвфемизмларни ажратиб кўрсатди. Шундан кейин, эвфемизмларга қатъий илмий назария нуқтаи назаридан ёндашилди. Айнан шу даврда ғарб тилшунослигига эвфемизмларга оид дастлабки илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Тадқиқотчилар ўз ишларида эвфемик ва дисфемик бирликларнинг ўша даврдаги ижтимоий аҳамиятига эътибор қаратган. Хусусан, британиялик лингвист А.Росснинг 1954 йилда чоп этилган мақоласида ижтимоий табақалашга оид сўзларни юмашатилган муқобилларига алмаштириб қўллаш ғояси илгари сурилган.

Шунингдек, эвфемизмга оид дастлабки тадқиқот ишларида, табиийки, табу муаммоси билан узвий алоқадорликлар ўрганилган. Масалан, XX асрда Америка тилшунослари Ж. М. Стедман, Ф. Н. Скотт оғзаки табулар ва эвфемизмларга тааллуқли тадқиқот олиб борган.⁴

Замонавий тилшунослик даврига келиб эвфемизмларга оид ғарб тадқиқотлари ичида ҳам муайян мавзули гуруҳларини мақсадли ўрганишга бағишланган ишлар кўпайди: сиёсий эвфемизмлар, иқтисодий ва бошқалар (Л. Руссел).⁵ Бундан ташқари, эвфемизмлар махсус нутқлар доирасида таҳлил қилинди. (Л. М. А. Морено, М. Радулович).⁶ Шунингдек, эвфемизмларни қиёсий тадқиқ этиш анча оммалашган (С.К.Мугайр).⁷ Шуниси диққатга сазоворки, замонавий тилшуносликда эвфемизм ва табу ўртасидаги боғлиқликни ўрганишга бўлган илмий қизиқиш йўқолмади.

Табу ва эвфемизм ўртасидаги муносабат антик даврдан буён узлуксиз давом этиб келмоқда. Табуланган сўзлар туфайли луғатларни мунтазам равишда янгилаб бориш эҳтиёжи мавжуд. Маълум бир табуларнинг эвфемизмга алмаштирилиши муайян даврга қадар давом этади. Яъни алмаштирилган эвфемизмларнинг ўзи ҳам кун келиб бошқа бир табуга айланиш ҳодисалари учрайди. Бу ҳодиса ҳақида Ж.Фрезер шундай ёзган:

⁴ Scott F.N. Verbal Taboos // The Standard of American Speech and Other Papers. Boston, 1926. Steadman J. M., Jr. A Study of Verbal Taboos // American Speech. 1935. № 2

⁵ Ruccella L. L'économiquement correct: analyse du discours euphémique sur la crise dans la presse française et italienne // Thèse en cotutelle internationale en vue de l'obtention du grade de Docteur en Sciences du Langage. P. – Torino, 2014.

⁶ Moreno L.M.A. La interdicción lingüística: estrategias del lenguaje políticamente correcto en textos legales educativos selección de leyes educativas (1986-2006). Cáceres, 2009. 744 p. Radulović M. Euphemisms in English and Serbian Public Discourse: PhD thesis. Niš, 2016. 187 p.

⁷ Mugair S.K. A Comparative Study of Euphemism and Dysphemism in English and Arabic with Special Reference to Political Discourse // Journal of Advances in Linguistics. 2014. № 1. 268 p.

“Агар бирор вафот этган кимсанинг исми қандайдир ҳолат, ҳайвон, ўсимлик билан алоқадор бўлса, бу исм тилнинг луғавий манбасидан чиқариб, ўрнига бошқа сўз қўлланила бошланган. Бу анъана тил луғатини сезиларли даражада ўзгартирган, эскирган сўз ўрнига янгисини қўллаш оммалаша борган”.

Демак, дастлабки даврда табу тушунчаси асосан диний ақидалар, ўлим билан алоқадор бўлган. Одамлар ҳаётда бўлаётган турли қайғули ҳодисаларни қандайдир илоҳий кучлар орқали содир бўлаётганига ишонишгани учун ўзаро мулоқотда эҳтиёткор бўлишни тарғиб қилишган. Йиллар ўтиб жамиятда янги қарашлар пайдо бўлгач. Баъзи бир табулар ўрнини босган эвфемизмлар нейтрал сўзлар сифатида сақлаб қолинган. Феодализм ва капитализм пайтига келиб эвфемизмлар фақат диний мотивлар сабаб пайдо бўлган эвфемик бирликлардан тубдан фарқ қила бошлади. Янги даврда эвфемизмлар ахлоқий нормалар нуқтаи назаридан мулоқотда қўлланила бошланди. Агар илгари табу сўзлар ёки эвфемизмлар ёвуз руҳларни қўзғатмаслик, жазо олмаслик учун атайлаб ишлатилган бўлса, энди эвфемизмлар бошқа вазифа – тингловчи учун ёқимсиз нарсани безаш ёки яширишга хизмат қила бошлади.

Бугунги кунда ҳам дунё бўйлаб ижтимоий, психологик ва сиёсий, диний мавзуларда табу сўз ва тушунчалар эвфемизмлар орқали “пардаланади”. Масалан, миссионерлик, гиёҳвандлик, порнография, ирқий камситиш, сепаратизм мавзуларида очиқ-ойдин маълумот тарқатиш нафақат ахлоқ нормаларига зид, балки хавфлилик даражаси юқори баҳоланиб, айрим мамлакатларда қонунчилик билан тақиқланган ҳам. Биргина мисол, 2020 йил АҚШда қора танли фуқаро Жордж Флойд оқ танли полиция ходими Дарек Шовеннинг эҳтиётсизлиги оқибатида вафот этиши оммавий ахборот воситаларида ирқий камситилиш сифатида талқин қилинди. Ва бу ҳолат қора танли фуқароларнинг ижтимоий тармоқлардаги қаттиқ норозиликларига, кўча намойишлари, митингларига сабаб бўлди. Мазкур ҳолат ирқий камситилиш мавзусининг жамиятда табуланиш даражасини янада кучайтириб ташлади. Шунингдек, айрим мамлакатларда “феминизм” атамаси патриархал тузумга қарши қаратилган ҳаракатни ифодалайди, дея баҳолангани боис, “гендер тенглиги” бирикмаси билан эвфемизмланади. Ахлоқ доирасида турли миллатлар учун умумий бўлган табу тушунчалар сифатида аёлларнинг ёши, ойлик маош миқдори ва интим муносабатлар ҳақида аниқ саволлар бериш одобдан эмаслигини мисол қилишимиз мумкин. Публицистик йўналишда бундай маълумотлар моҳирона қўлланилган эвфемизмлар орқали аниқлаштирилади.

Аммо барча табуларни ҳам эвфемизмлар орқали “яшириш”нинг имкони йўқ. Айниқса, диний атамалар, сепаратизм билан боғлиқ нутқлардаги сўз ва тушунчаларни эвфемизмлар билан алмаштириш мураккаб жараёндир. Масалан, терроризм, шаҳид кетмоқ, экстеримизм, озодлик тушунчалари шулар жумласидандир.

Рус тилшунослигида эвфемизмлар ҳақида дастлабки маълумотлар XX асрнинг ўрталаридаги манбаларда учрайди. 1935-1940 йилларда Д.Н.Ушаков томонидан

тахрирланган “Рус тилининг изоҳли луғати” да эвфемизмга шундай таъриф берилган: “Эвфемизм (юнонча εὐφρημεο – мулойим гапираман) (линг.) – маълум бир вазиятда ўз номи билан аташ ноқулай, ахлоққа зид ва ёқимсиз бўлган нарса ёки ҳодисани билвосита, яширин тарзда номлаш учун ишлатиладиган сўз (ёки ифода). (масалан, “ҳомиладор” ўрнига “қизиқарли ҳолатда”; “агар бемор ўлмаса” ўрнига “беморга ҳеч нарса бўлмаса” каби)”⁸. Луғатда келтирилган бу мисоллар эвфемизмнинг миллат хусусиятларига алоқадор тарзда вужудга келишига яна бир исбот бўлмоқда. Яъни рус тилшунослигида “ҳомиладор” сўзи ўрнига “қизиқарли ҳолатда” (“в интересном положении”) бирикмаси эвфемизм сифатида қўлланилади. Бизнингча, бу эвфемизм халқнинг одатий бўлмаган ҳолатга ижобий, аъло кайфият билан муносабатда бўлаётганини ифодалайди. Ўзбек тилшунослигида эса айнан шу сўзга “оғироёқ”, “юкли” каби эвфемизмлари алмаштириб қўлланади. Кўриниб турибдики, ўзбек халқида айни ҳолатда инсоннинг жисмоний оғирлашишига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга кўпроқ урғу берилади. Д. Н. Ушаков томонидан луғатнинг кейинги нашрларида ҳам ушбу атаманинг таърифи ўзгармаган.

1961 йилда Б.А. Лариннинг “Тилшунослик муаммолари” тўпламида нашр этилган “Эвфемизмлар ҳақида” мақоласи эса айни соҳада тўлиқроқ маълумот манбаси бўлди.⁹ Унинг эвфемизмларни ўрганишдаги қуйидаги тамойиллари келгуси таҳлиллар учун ҳам асос бўлиб хизмат қилди:

- қадимги динлар тақиқларига (табуларга) кўра сақланиб қолган ўринбосар сўзларни замонавий эвфемизмлардан фарқлаш зарурлиги, “замонавий эвфемизмларнинг маълум бир ҳолатнинг ёмон таъсирини олдини олиш ёки уларнинг қўпол номларини яширишга хизмат қилувчи сўзлар билан фақат тақиқланган вазиятларда ишлатилиш жиҳати томонлама боғлиқлиги бор холос.”¹⁰

Бу ўринда муаллиф, бизнингча, йиллар, асрлар давомида инсоният нутқи такомиллашиб боргани сари эвфемизмларнинг ўзгариб боришини назарда тутмоқда. Яъни бундан бир аср илгари маълум бир ҳодиса хавфини камайтириш мақсадида қўлланилган сўзлар бугунга келиб эвфемизм бўла олмайди, балки нейтрал сўз сифатида қабул қилинади. Масалан,

- эвфемизмларнинг қўлланиш соҳаларини ажратиб кўрсатиш (яъни дипломатия, журналистика, нотиклик каби соҳаларида шартли равишда мажбурий ишлатиладиган эвфемизмлар ва сўзлашув нутқида ихтиёрий ва кўпроқ ҳазил учун ишлатиладиган эвфемизмлар)

⁸ Эвфемизм [Электронный ресурс] // Толковый словарь Ушакова. URL: <http://dic.academic.ru/dic.nsf/ushakov/1095558>.

⁹ Ларин Б. А. Об эвфемизмах // Проблемы языкознания: сб. ст. / ред. Б. А. Ларин. Л., 1961. С. 101-114.

¹⁰ Ўша манба, С. 109.

- эвфемизмларнинг ўзгарувчанлиги: “оғзаки қўлланилиши хавfli деб ҳисобланган ибора мулоқотдан чиқиши билан, эвфемизм нейтрал сўзлар тоифасига ўтиши мумкин.”¹¹[Ўша ерда, 2-бет. 110];

- эвфемизмларни шакли (нутқ қисми, тузилиши, этимологияси) бўйича эмас, ижтимоий табиатига кўра таснифлаш;

- эвфемизм ва тропларни (метафора, метонимия, синекдоха) семантик тузилишга кўра аниқлаш ва уларни кўлами ва функционал йўналиши бўйича чегаралаш (троплар воқеликни образли ифодалаш учун, эвфемизмлар ҳаётнинг кўзга кўринмас ёки номақбул ҳодисаларини “тўсиб қўйиш”, яшириш учун ишлатилади).

Б.А. Ларин томонидан илгари сурилган ғоялар рус тилшунослигида катта рол ўйнади, тилшунослик масалаларининг яна бир доирасини, эвфемизмларни ўрганиш миқдосини белгилаб берди ва янги илмий мунозараларга сабаб бўлди.

¹¹ Ўша манба, С. 110